

Асад Дилмурод

Хилват



Асад Дилмурод

Хилват

ЁХУД
БРОНЗА БЎРИ

Ҳикоялар ва эсселар




ЎЗБЕК АССР АНЛОҶИ
ТОШКЕНТ
2017

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)7

Д - 51

Дилмурод, Асад

Хилват ехуд бронза бури: ҳикоялар ва эсселар / Асад Дилмурод. - Тошкент: Янги аср авлоди, 2017. - 560 б.

ISBN 978-9943-20-300-6

Қадрли мухлислар!

Қўлингизда турган китобда жамланган ҳикоялар ва эсселар узоқ йиллик серзаҳмат ижодий изланишлар самарасидир. Ҳикоялар сизни қадим дунёни тасаввуфий тимсоллар, мажозий тил ва узига хос поэтик тасвир воситасида теран идрок қилиш ва тушунишга чорлайди. Натижада сиз эзгулик ва ёвузлик уртасида кечадиган муросасиз туқнашувлар билан юзлашиб, кескин руҳий кечинмалар гирдобида яшайдиган образлар оламига кириб қоласиз. Турли маънавий-маърифий ва ахлоқий мавзуларни қамраган эсселар муҳим ҳаётини воқеалар асосида туғилган. Уларда талқин қилинган фалсафий қарашлар долзарб инсоний фазилатлар илдизи очилишини таъминлайди.

УЎК: 821.512.133-3

КБК: 84(5Ў)7

ISBN 978-9943-20-300-6

© Асад Дилмурод, «Хилват ехуд бронза бури». «Янги аср авлоди», 2017 йил

Ушбу китобни
чуваланган ҳаёт йўлида
доим яхшилик ортидан
интиланган ва поён билмас
умид водийсида қайдасан
умид дея койинган ва
излаганини гоҳо топиб, гоҳо
топмай бемаврид мангу
уйқуга кетган Худойқулов
ДИЛМУРОД ҳожи ўғли
НЕЪМАТУЛЛА ҳожи
хотирасига бағишлайман



ҲИКОЯЛАР

Тўлғоқлар
қомида
яшаётган
бедор
МОЗИИ

АЛАНҚУВА

*Улуснинг эру аели, каттаю кичиги
Аланқувага бош эгиб келдилар.*

Мирзо УЛУҒБЕК

Бугун заррин-кумуш нақшу нигорлар зарбланган муаззам саройда илгари мисли курилмаган, кўрилган бўлса-да, унча билинмаган низоли-нохуш ҳолат ҳукмрон эди. Маъюслигида ҳам куркамлигича қолган Аланқува, безатилган шуҳратли тахтда эмас, чуғ устида утиргандек безовта: нигоҳини номаълум нуқтадан узмай типирчиларди. Дубулға ва жиба-жавшанда салобат касб этган жанговар қиёфали аъёнлару боёнлар жангу жадал, ов-шикор ҳадисини олишганини пайқаш қийин эмас. Лекин ҳозир улар ёқимли эрмакларини тамомила унутишиб, ҳорғин-хомуш, ғамгин-аламнок тарзда теран уйга чўмишган, нигоҳлари зимдан Аланқувага қадалган, гуё мунаққаш тахтга тилла узукка қуйилган гавҳар кўздай ярашиб тушган малика ҳусни камоли ақлу ҳушларини тамом уғирлаган...

Аланқува ҳаргиз сезадикки, салтанат устунлари узидан ортиқ даражада ранжиган, улар шунчалар тўлиб-тошганки, ана-мана устига от солишмаса! Яхши ҳам андиша ва иззат-ҳурмат йуриқлари, қолаверса, салтанат ва ҳукмдорга содиқлик ҳақида ичилган қасам уртада кундаланг. Шулар боис аркони давлат сукутда, ичидаги зардаю заҳарни тўкишга ҳадеганда ботинмаётир. Аммо минг қурқоқнинг бир ботири булганидек, саройнинг қони қайноқ қайсар жасурлари ҳам йўқ эмас. Шулардан бири – бош вазир Улон Қунғур эди. Ҳамма жон ширин, дея нафас ютиб турган дамда, у бир неча марта пичинг отиб улғурди. Шунақа кесатдикки, Аланқува



устига улкан қоя қулагандек ҳолга тушди. Очиги, малика бу турқи совуқ қилиқларига бениҳоя туйган, ҳа, муроди ҳосил бўлмай тиш қайраб юрган аламзадалар ичида энг бетамизи шу одам!..

Аланқува аркони давлатидан ҳам, тожу тахт ташвишидан ҳам умуман нолимоқчи эмас, элу юрт сурашда сира қийналиб қолган жойи йуқ, улус пешанасини силашда қудратли бобокалонлари Улуғ Турк ёки Уғузхондан қолишмайди. Ҳаргиз борлиғига зирапчадай азоб бериб, ҳаловатини уғирлаган омил бошқа: бирламчи, аёллиги, иккиламчи, тангри таоло чексиз саховат билан ато қилган, не-не шаҳсуворлар бағрига олову оташ қалаган чехраи малоҳати! Ростдан ҳам ақлу идрокини қўшса янада тўкис туюладиган ҳусни туфайли боши ғалвада!..

Ахир, не қилсин, анчадан буён Қурлос элида сал кузга кўринган тирик жон борки, бариси изида гирёну нигорон... Купроқ тили ва дасти узун оқсуяклар атрофида парвона булишади. Марҳум эри – подшоҳ Дибун Баёнга аймоқдош эканликларини пеш қилишни ёқтирадиган казо-казо амалдорлар сира кун беришмайди. Ҳозир турсайиб овозини кўтараётган Улон Қўнғур Дибун Баённинг туғишган акаси эди, шунинг учун ҳам маликани никоҳига киритиш учун фақат ўзини муносиб санайди. Урфу одатимиз эҳтиёжи экан, укам бевасига етишмагунча қуймайман, деб кўп марта қасам ичганди. Тап тортмай тахтни эгаллаган Аланқува раддия айтгани сари, қайсарлик отига қамчи босади, қисқаси, Дибун Баён еруғ дунени ташлаб кетгандан бери кечган етти йил мобайнида дилидаги ўтни учиролмай, аксинча, батгар аланга олдириди.

Бугун тусатдан чақирилган мажлисда кутилмаган масала устида тортишув бораётган эди-



ки, буни уйлагани сайин Аланқува ерга киргудек булар, тилига тайинли калима келмай эзилар эди. Улон Қунғур бир неча бор руҳонийлар пешвоси Шигемун Бурҳон билан бекитиқча куз уриштирди. Анча қартайиб қолган бўлса ҳам, куч-қувватга тула қоҳиннинг совуқ порлаётган нигоҳи куп нарсадан огоҳ этаётган эди. Аниқроғи, у, Аланқува, фақат тожу тахт ва салтанат эмас, бутун улус, қолаверса, ўзи шаънига тегишли жуда муҳим сирни улиб-тирилиб яшираётганини сезиб-билиб турар ва шу сабабли тобора тажанглиги ортаётган эди.

Шубҳали нигоҳлар лаҳза сайин Аланқува жигар-бағрини уткир тигдек аевсиз тешиб утаётганди. Ахийри, шунақа тулиб, шунақа укиниб афсус чекдики, кейинги кунларда бошига тушган ажиб савдони ипидан игнасигача очиб ташлаш учун чоғланди. Лекин дарҳол эсу ҳушини унглаб, шайтонга ҳай берди, ҳар қанча дилидан чиқариб, куйиниб суйласа ҳам, атиги тирноқча ишонишлари душвор, бас, ҳозирча тилини қаттиқ тишлаб, сабру қаноат қилишга мажбур!..

– Муҳтарама маликам, тожу тахт хиёнат, ёлғон ва мунофиқлик каби иллатларни ҳечам хушламас! Наҳот шунга ақлингиз етмаса?

Хаёлан Дибун Баён арвоҳидан мадад тилаётган Аланқува беихтиёр тутдек тукилди, анчагача номаълум нуқтадан куз узмай, пухтароқ жавоб орқали сувдан қуруқ чиқишни мулжаллади. Тагдор кесатиқ, Шигемун Бурҳон оғзидан бодраган эсада, аслида, Улон Қунғурга тегишли эканини яққол пайқаган эди. Мияси айниган қоҳин купдан бери бош вазир ногорасига ўйнаётир, хуфиялар хабарича, тезда уни ҳукмдорлик мартабасига миндириш учун онт ичган эмиш!..

Оддий хотиржамликни ғазнадаги жаами жавоҳиротдан авло санайдиган Аланқува гоҳо ёруф



дунёга сифмай, тожу тахтдан воз кечиш ва фарзандлари тарбияси билан шуғулланишни истаб қолади. Лекин нафсидан бошқа ҳеч нарсани ўйламайдиган Улон Қўнғур улуғ мансабни эгаллаш эҳтимоли борлиги шаштини қайтаради. Агар у шу даражага етса, фуқаро аҳволига маймунлар ийғлашини уйлаб қийналади. На чора, аини мана шу ташвишдан безгани устига, теварагини ураган ва пашшадан фил ясайдиган турли тоифали кимсаларнинг маза-матрасиз даъвои дostonлари ва расвои жаҳон иғволаридан роса туйди.

Аланқува чуқур биладики, беш кунлик дунёда фақат ўз ўлчови, уз тошу тарозиси билан яшаб, нуқул тирноқ остидан кир қидирадиган одам узоққа етолмайди. Кейин тожу тахт каби инсон умри ҳам омонат, шу даражада омонатки, буни қадимда дониш зотлар борича англашган ва келгусида асқотадиган жамики муҳим угитларни айтиб кетишган. Довруғи етти иқлимга ёйилган Улуғ Туркхон издошлари саналмиш Кунхону Ойхону Қорахону Уғузхондек шерлардан вафосини аяган чархи каж уни ҳам тоабад кафтида кутармаса керак. Езуғи шу: ахийри бир кун тоғдек оғир армон орқалаган куйи ёруғ оламни тарк этади.

Аланқува назарида ана шу илоҳий ҳақиқат имони, эътиқоди ва ҳаёсини пок сақлаб қолишга ундарди. Натижада айшу ишрат сурмак учун тани ва қалбини бошқа эркак ихтиёрига топширишни истамади: бемаврид сўлган хожаси арвоҳини чирқиратиб қуйиши инсофдан эмасди. Эшигига бош уриб келган совчилар сурлигидан чарчаса-да, ҳаргиз: «Дибун Баён юрт тахтидан тушган булса бордир, аммо кунглим тахтидан асло тушган эмас!» – деган гапни такрорлашдан чарчамади.

Аммо қаттол тақдир дафъатан ҳаёти узанини етти ухлаб тушга кирмас сиру савдо томон буриб

юбордики, айна шу ҳол оқибатида ҳозир аркони давлат қошида эсанкираб ва уялиб турибди.

Яна бир эътиборга молик андиша борлиғини жиз-жиз уртаб, янада аччиқ хижолатга гирифтор этмоқда. Ахир у фақат улус дарди ва қувончига шерик малика – подшоҳ эмас, келажакда отаси ва боболари урнини билдирмай юрт сурайдиган бир-биридан ширин болажонлар онаси ҳамдир. Ҳалиги ғаройиб синоат, яъни буйнидаги биров биллиб, биров билмаган гуноҳ волидалиқ масъулиятини бушаштириб, мусаффо дил шишасига мудҳиш доғ солаётганга ўхшайди.

Мурувватли Таигрига беадад шукурки, кўз очиб кўргани Дибун Баёндан ёдгорлик булиб қолган Билгадай ва Бекчидай кун сайин кунглига тотли умид ва қувонч бағишлаб усаётганди. Бахту иқбол моҳиятини теран англаши учун замин яратган ва қалбига учмас чироқ еққан уғиллари исмини Дибун Баен узи қуйганидан чексиз фахрланар эди. Асосан, бир нарсани: ҳар бирови қадим ва қутлуғ шажарага муносиб ботирга айланишини тилар ва шу йўлда ҳар неки борини тиккан эди...

– Маликам, сафсата шунча кўпки, қайси бири рости қайси бири ёлғон эканини ажратмак қийин, – ногоҳ зил жимликни бузди Улон Қўнғурнинг дўрилаган зардали товуши. – Балки ечимни топмак учун ўзингиз кўмак берурсиз.

Аланқува индамай хаёлга толди, ахир қандай унутсин, фавқулодий ҳодиса ўлдим-куйдим қилиб юрган жиззаки баҳодирлар ноилож попуқларини сал пасайтирган, ҳатто Улон Қўнғурдек саркаш бир қадар тақдирига тан берган кунларда рўй берганди. Ногаҳон тарқалган хабар ашаддий жазманларига тип-тиниқ ёз осмонини титратган гулдирак янглиғ таъсир утказиб, ғалва қайтадан бошланди.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/5299> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/5299> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию
можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/5299>